

Ўзбекистон ёшларининг янги ташкилоти



Тошкентдаги Симпозиумлар саройида 30 июнь куни Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойи бўлиб ўтди.

Анжуман дастури ранг-баранг тадбирларга бой бўлди. Қурултой делегатлари Ўзбек Миллий академик драма театрида "Тақдир синовлари" спектаклини томоша қилди. "Шаҳидлар хотираси" хиёбони ва "Қатағон қурбонлари хотираси" музейи, Темурийлар тарихи давлат музейи,

Ҳазрати Имом мажмуасини бориб кўрди. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Тошкент ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи, Яккасарой туманидаги 144-умумтаълим мактабида яратилган шароитлар билан танишди. Ёшлар ижод саройида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида академиклар ва ёш олимлар билан учрашди.

Қурултой делегатлари Мустақиллик майдонида ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйди.

Симпозиумлар саройида "Камолот"нинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларидан сайланган делегатлар жам бўлди. Қурултой кун тартибига қўйилган масалаларнинг долзарблигидан келиб чиқиб, унда қатнашиш учун Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари таклиф этилди. Шунингдек, видеоконференция орқали Қорақалпоғистон Республикаси раҳбарияти, маҳаллий ҳокимликлар раҳбарлари, ҳудудлардаги ёшлар қатнашди.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг қурултойи очик, деб эълон қилинди.



Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради.

Қурултойда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Делегатлар "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати негизда Ўзбекистон ёшлар иттифоқини ташкил этиш таклифини маъқуллади.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар кенгаши раиси ўринбосари Б.Мамадалиев, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси А.Данияров, Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети магистранти О.Тўйчиев, "Result" ўқув маркази раҳбари А.Саъдуллаев, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети талабаси М.Раимқулова, Сирдарё вилоятидаги "Сарвиноз Собиржонова Файзи" фермер хўжалиги раҳбари С.Шокирова ва бошқалар Президентимиз Шавкат Мирзиёевга ёшларга қаратилаётган алоҳида эътибор учун миннатдорлик билдирди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи навқирон авлод орасига чуқур кириб борадиган муҳим институтга айланишини таъкидлади.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши раиси этиб Қаҳрамон Қуронбоев сайланди.